

ХУДУДНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕР СИЁСАТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бегимова Дилшода Комилжоновна

Ўзбекистон миллий университети таянч докторанти

E-mail: bobotikfd@mail.ru

Аннотация. Мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим шартини инновацион фаолиятни ривожлантириш бўлиб, у барқорор иқтисодий ўсишга замин яратади, ҳудуднинг стратегик мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради. Ушбу мақолада турли мамлакатларда давлат даражасида амалга оширилган кластер сиёсатининг хориж тажрибаси баён этилган. Инновацион кластерларни ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан бошқаришнинг турли моделлари таҳлил қилинган. АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Буюк Британия, Италия, Финляндия, Япония каби мамлакатлар тажрибаси таҳлили амалга оширилган. Ҳар бир мамлакат миқёсида кластер ёндошувининг қисқача мазмуни, функциялари, асосий дастаклари, устунлик ва камчиликлари келтирилган.

Калит сўзлар: кластер, инновациялар, кластер ёндошуви, инновацион фаолият.

Abstract: An important condition for the prosperity of the country's economy is the development of innovative activities, which creates the basis for the sustainability of economic growth, contributes to the implementation of strategic tasks for the development of the territory. This article provides an overview of foreign experience of cluster policy at the state level in various countries. The models of public administration of innovative clusters are analyzed with the aim of developing the economy of the territories. The experience of such countries as the USA, Canada, Germany, Austria, France, Great Britain, Italy, Finland, Japan was analyzed. In the context of each country there is a brief content of the cluster approach, the main tools, organizations that implement the functions, the main advantages and disadvantages.

Keywords: cluster, innovation, cluster approach, innovation activity

Кириш

Корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширувчи янги ташкилий шаклини топиш зарурияти вужудга келган иқтисодий инқироз шароитида кластерларни тадқиқ этиш аниқсиз долзарбдир. Кластер сиёсати асосида тармоқлар аниқ минтақа, унинг хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантирилади ва ривожлантирилади. Ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш учун инновацион ривожланишга йўналтирилган кластерларни шакллантириш ва самарали фаолиятини таъминлаш лозим. Ҳудудий кластерлар дунёнинг етакчи давлатлари ва минтақаларининг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди. Кластерларнинг ривожланиши меҳнат унумдорлигининг ошишига, янги компаниялар шаклланишига, янги иш ўринлари яратилишига, ҳудуднинг инновацион салоҳияти ортишига, рақобатдаги устунликлар ҳамда минтақанинг инвестициялар оқимини оширувчи имиджи шаклланишига ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда кластер схемасидан фойдаланиш амалиёти Ўзбекистонда энди тадбиқ этилмоқда. Иқтисодиёти ривожланган кўплаб хорижий мамлакатларда ундан фойдаланиш ўтган асрдаёқ бошланган. Бу

мамлакатларда иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида кластерлар шаклланган бўлиб, уларнинг қамрови баъзан мамлакатлар чегараларидан чиқиб, минтақавий ва ҳалқаро даражага қадар етган. Кластерлар ҳудудлар ва тармоқлараро интеграцияни таъминлашнинг самарали дастагига айланиб улгурган. Шундай экан, хориж тажрибасини ўрганиш, унинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш, салбий тажрибаларни тадқиқ қилиш мамлакатда самарали иқтисодий сиёсат олиб боришга ёрдам беради.

Ушбу мақоланинг мақсади кластер сиёсатини амалга оширишнинг хориж тажрибасини ўрганиш, олинган натижаларни тизимлаштириш ва Ўзбекистондаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзуга оди адабиётлар таҳлили

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер ёндошувидан мамлакатимизда фойдаланила бошланганига кўп вақт бўлмаган бўлсада, хорижда рақобат назарияси асосчилари бу йўналишни анчадан буюн ривожлантириб келмоқдалар. Улар орасида М. Портер, М. Мескон, П. Друкер, А. Томпсон, Ф. Хедоури, Т. Брайан ва бошқалар мавжуд

Рақобатбардошликни бошқаришда кластер схемаларидан фойдаланиш назариясининг асосчиси Майкл Портер ҳисобланади. Майкл Портернинг фикрига кўра, мамлакат ёки минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлиги валюта курси, фоиз ставкаси, бюджет камомади, арзон ишчи кучи, табиий бойликлар каби омилларга эмас, балки ишлаб чиқариш маҳсулдорлигига боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулдорлиқнинг ўсиб бориши иқтисодиётнинг мунтазам ривожланишини талаб қилгани ҳолда, турли тармоқ корхоналари маҳсулотлар сифатини ошириш, истеъмол хоссаларини кенгайтириш, технологияларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириб боришлари лозим бўлади. Рақобатбардошликни таъминлашнинг ўзига хос инструменти сифатида кластер схемалари таклиф қилинган бўлиб, уларга ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашган ўзаро алоқадорликдаги компаниялар ва уларга боғлиқ ташкилотлар гуруҳи бўлиб, улар бир соҳа доирасида ўзаро биргаликда ва бир-бирини тўдирган ҳолда фаолият олиб борадилар деб таъриф берилган [1].

Кейинчалик бу назария Ф.Рейнс тадқиқотларида ривожлантирилди. Ф.Рейнснинг рақобатбардошлик борасидаги иқтисодий қарашлари ҳам М.Портерники каби асосан ишлаб чиқариш жараёнининг ва маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ривожлантириб боришга асосланган [2]. Бунда кластер схемаларини яратиш амалиёти бозор иқтисодиёти анчадан буюн амал қилиб келаётган мамлакатлар мисолида ишлаб чиқилган.

МДХ мамлакатларида бу йўналишда иш олиб борган олимлар қаторига Д. Белоусов, Д. Сальников, Д. Сиваков, Т. Гурова, А. Воронов, А. Буряк кабиларни киргизиш мумкин. Улар бу борада фундаментал тадқиқотлар олиб бормасдан, М. Портер ғояларини ривожлантирганлар холос [2].

Мамлакатимизда кластерлар ташкил этишнинг назарий-услубий жиҳатлари ва ташкилиш масалалари Г. Захидов, Т. Матевка, А. Осмонова, О. Тодорова, Д. Мирзахалилова, Я. Бэ, Д. Курбанова кабиларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер схемаси мамлакат

минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг, иқтисодиётнинг турли тармоқлари рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим инструменти сифатида таҳлил қилинган.

Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчилар ўз илмий тадқиқотлари доирасида кластерларни турли жиҳатдан ўргандилар, таҳлил қилдилар, хулосалар чиқариб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдилар. Тадқиқот натижаларидан турли мамлакатлар иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланилди ва фойдаланиб келинмоқда. Назарияларнинг амалиётда қўлланиши уларнинг афзаллик ва камчиликларини юзага чиқариб, камчиликлар устида иш олиб борилиши мавжуд назарияларнинг янади бойитилишига сабаб бўлмоқда. Бу жараёнда фикрлар хилма-хиллиги узатилиб, бири иккинчисини инкор этувчи турли назарияларни учратиш мумкин. Кластер концепциясининг хали шаклланиш жараёнидаги концепция эканини ҳисобга олсак, олимларнинг бу борадаги илмий тадқиқотлари унинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси

Хорижий мамлакатларда кластер сиёсатининг хусусиятларини тадқиқ қилишда яқин тарихдаги ва бугунги кундаги иқтисодий жараёнларни кузатиш, маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Асосий қисм

Инновацион кластерларнинг давлат томонидан бошқарилишининг бир неча моделларини кўриб чиқамиз. АҚШ муваффақиятли кластер сиёсатини амалга оширган давлатлар орасида етакчилардан ҳисобланади. Ушбу мамлакатда либерал кластер сиёсати олиб борилган. Аммо кластерларни шакллантириш ва уларни бошқаришда бир-биридан тубдан фарқ қилувчи усуллар ва дастаклардан фойдаланилган. Ҳозирда мамлакатда саноат ёки инновацион марказлар деб аталувчи бир қатор кластерлар фаолият юритади. Улар орасида энг машҳури "Силикон водийси" бўлиб, унинг ҳудудида кўпгина юқори технологияли компаниялар фаолият олиб боради. АҚШда Питтсбург, Акрон, Кливленд (Огайо ва Пенсильвания штатлари) шаҳарлари – "тоза" энергетика технологиялари, Бостон (Массачусетс штати) шаҳри – биотехнологиялар, Остин, Даллас (Техас штати) шаҳарлари – яримўтказгичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган [3]. Агар 1991 йилда АҚШда 9 та муваффақиятли кластер модели фаолият юритган бўлса, ҳозирда 20дан ортиқ кластер гуруҳлари мавжуд. Бу кластер гуруҳлари тармоқлараро интенсив алоқаларни таъминлаб туради. Бу АҚШда кластерлар янги ривожланиш босқичига чиққанини ҳамда соҳалараро алоқалар диверсификацияси содир бўлаётганини англатади. АҚШда кластерларнинг асосий қисми мустақил бўлиб, билимлар ва технологияларни тўплаш ҳамда тарқатиш тизимига, тўғрироғи ўз "технологик тармоғи"га эга. Кластер иштирокчилари битта илмий базага эга бўлиб, бу ички ихтисослашув ва стандартлаштириш имконини беради. Америка инновацион-саноат марказларининг яна бир хусусияти кичик бизнеснинг эгилувчан тизими бўлиб, бу кластер ичида "инновацион ўсиш нуқталари"нинг шаклланишига имкон беради. АҚШда кластерларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. 2011 йилда мамлакатда "Америкада технология, таълим ва илм-фан ривожланишига имконият яратиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Инновацияларни қўллаб-қувватловчи дастурлар ишлаб чиқилди, минтақаларда

кластерлар шакллантириш масалалари тадқиқ этила бошланди. Мамлакатда инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш комиссияси тузилган. Бунда кластернинг бошланғич капитали штат бюджетидан ажратилиб, сўнгра хусусий компаниялар маблағлари жалб этилган. Давлат ривожланаётган истиқболли кластерлар иштирокчиларига солиқлар, хомашё сотиб олиш ҳамда давлатга тегишли асбоб-ускуналар ва илмий лабораторияларни ижарага олиш бўйича имтиёзлар тақдим этади. Бунда имтиёзлар конкурс ва грантлар эълон қилиш йўли билан тақсимланади. Шундай қилиб, АҚШда кластерларнинг шаклланиши ва ривожланиши минтақага мураккаб омиллар тизимининг – ҳудудий жойлашув, иштирокчилараро мураккаб алоқалар тизими, тармоқлараро алоқалар, юқори малакали ишчи кучи ва давлат кўмаги таъсири остида содир бўлди [3].

Канада ҳам либерал хусусиятли ривожланган кластер сиёсати юритувчи давлат ҳисобланади. Мамлакат кластер сиёсатининг фарқли жиҳати инновацион-технологик кластерлар ташкил этиш ҳисобланади. Канадада федерал ҳукумат даражасида Илмий-тадқиқот кенгаши ташкил этилган бўлиб, у ривожланаётган инновацион кластерлар билан қуйидаги стратегия асосида иш олиб боради:

1) Минтақада мавжуд инфратузилма базасида кластерлар ташкил этиш;

2) Минтақада янги кластер ядросига айланувчи «greenfield research center» тадқиқот марказини ташкил этиш.

Ҳозирда Канадада 50 га яқин муваффақиятли фаолият юритаётган кластерлар мавжуд. Уларга Вонкувер шаҳридаги "Иссиқлик элементлари ва водород технологиялари" Технологик кластери, Эдмонтон шаҳридаги "Нонатехнологиялар" Технологик кластери ва Монреаль шаҳридаги "Авиакосмос" кластерини мисол қилиш мумкин [3]. Кенгаш барча минтақаларни қамраб олиш мақсадида минтақаларда "технологик кластер ташаббуслари"ни ташкил этган бўлиб, улар Миллий кенгашнинг минтақавий ваколатхоналари томонидан бошқарилади. Бунда асосий фаолият йўналишлари интеллектуал капитал ўсишини таъминлаш, инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, махсус дастурлар ва кластер иштирокчилари орасидаги ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни молиялаштириш ва бошқалар ҳисобланади. Шу тариқа, Канадада кластерларни қўллаб-қувватлашда барча даражадаги бошқарув органлари фаол иштирок этади.

Германия бутун дунёга машҳур кластерлар мавжуд давлат ҳисобланади. Шарқий Германияда жойлашган автомобиль кластери, «Фёникс» инновацион маркази, Дрездендаги "Саксония кремний водийси" кабилар бунга мисол бўлади [4]. Мамлакатда кластерларни ривожлантириш йўли билан депрессив минтақаларни "тортиш" сиёсати олиб борилади. Бу сиёсатдан АҚШ ва бошқа Ғарбий Европа мамлакатлари ҳам фойдаланадилар. Маҳаллий маъмурият, университет, банклар ва саноат корхоналари ташаббуси ва иштирокида ташкил этилган Германия технопарклари ва бизнес-инкубаторлари янги инновацион фирмаларни қўллаб-қувватлайди. Янги фирма муваффақият билан ривожланса, у технопарк таркибига қўшилади. Энг муваффақиятли технопарклар технологик ареалларга, яъни мамлакат маълум минтақасидаги ўзаро алоқадор тармоқларда фаолият юритувчи инновацион кластерларга бирлашади. Германия кластер сиёсатида давлатнинг вазифаси федерал дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда кучли субъектларни энди ривожланаётган корхоналар ва минтақалар билан ҳамкорлик қилишга йўналтиришдан иборат.

Австрия кластер сиёсатининг ўзига хослиги ҳудудида Германия, Италия ва бошқа мамлакатлар билан трансчегаравий кластерларнинг ташкил этилганлигидир. Мамлакатда мавжуд энг йирик кластер Штириядаги автомобиль кластеридир. Бундай кластерлар шакллантирилиши ва фаолияти координацияси ҳукумат ташаббуси билан Австрия иқтисодий алоқалар институти ва Австрия тадқиқотлар маркази томонидан ишлаб чиқилган инновацион-тадқиқот дастури доирасида амалга оширилган. Дастур макро, микро ва мезо бошқарув даражасида кластерлар фаолиятини координацияси қилади. Мамлакатда кластер сиёсати илм-фан ривожини ва инновацион салоҳият ўсишига йўналтирилган. Австрияда ташкил этилган Технологик марказлар кенгаши 23 та марказни ўз ичига олади. Инновацион марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш «COMET – Competence Centers for Excellent Technologies» давлат дастури доирасида амалга оширилади. [5]. Австрияда инновацион марказлар қуйидаги 3 стратегиядан бири асосида ташкил этилиши мумкин [6]:

- 1) Ҳалқаро аҳамиятга эга марказлар ташкил этиш (“K1” категория);
- 2) Давлат аҳамиятига эга марказлар ташкил этиш (“K2” категория);
- 3) Алоҳида лойиҳа ва ишланмаларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этиладиган марказлар (“K3” категория).

Шундай қилиб, кластер сиёсати ва давлат томонидан фойдаланилаётган дастаклар ишлаб чиқариш ва илм-фаннинг алоқадорлигини таъминлаш, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда ҳалқаро даражадаги кластерлар ташкил этишга йўналтирилган.

Францияда бир қанча муваффақият билан фаолият юритаётган инновацион кластерлар мавжуд: Иль-де-Франс минтақавий инновация маркази, Эстер Лимож (электроника ва алоқа воситалари), Savoie Technolas (муқобил энергия манбалари), SYNERGIA (нанотехнологиялар, эко-саноат), Лаваль Майен Технополь технополислари (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, озиқланиш технологияси) ва бошқалар. Аммо Францияда ҳукумат ўта марказлашган бўлганлиги сабабли кластерлаштириш жараёни бироз қийинчилик билан амалга оширилган. Мамлакатда 1995 йилдан буён маълум ҳудуддаги корхоналарни кластерларга бирлаштирувчи Ҳудудни ташкил этиш дастури амал қилиб келмоқда. Натижада мамлакатда саноатнинг анъанавий тармоқларида кластерлар шаклланди ҳамда давлат бошқаруви остида уларда инновациялар жорий этила бошланди [7]. Бугунги кунда Францияда асосий эътибор ишлаб чиқариш ва илм-фан орасида алоқа ўрнатишга, кластерлар таркибида тадқиқот марказлари ташкил этишга қаратилмоқда. Шундай қилиб, саноат кластерларини шакллантиришнинг французча концепцияси давлат бошқаруви остидаги бизнес ҳамкорликка асосланган бўлиб, бунда асосий эътибор илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, инновацион технологиялар ва ишланмаларни ишлаб чиқариш жараёнига фаол тадбиқ қилишга қаратилган.

Буюк Британия кластерлар фаолиятини давлат томонидан бошқаришни либерал усулда амалга оширади. Федерал даражада давлатнинг роли жараёни координациялаш ва молиялаштиришга кўмаклашишдан иборат. Марказлашган ҳолда кластерларни аниқлаш ва картографиялаш амалга оширилади ҳамда бошқарув маҳаллий органларга топширилади. Мамлакатда маҳаллий ривожланиш концепцияси жорий қилинган бўлиб, маҳаллий бошқарув органлари инновацион лойиҳалар ва инновацион субъектлар фаолиятини бошқариб борадилар. Британия иқтисодиётининг

Ўзига хослиги шундаки, тадбиркорлар нафақат инновацион кластерларнинг шаклланишида, балки бошқа иқтисодий жараёнларда ҳам фаолдирлар. Мамлакатда академик университетларнинг тарихан шаклланган кучли тизими кластерлаштириш жараёнига ҳам таъсир ўтказди. Буюк Британияда 1980 йилдан бизнес ва олий таълимнинг ҳамкорлиги ривожлантирилмоқда – инглиз университетлари қошида давлат назорати остида технологияларни тарқатувчи ва ишлаб чиқариш корхоналарига узатувчи агентлик ҳамда парклар тармоқлари ташкил этилган. Бундай университетлар қаторига Технологиялар тарнсфери Эдинбург маркази, Стокбриж технологиялар маркази (қишлоқ хўжалиги), Худуд ифлосланганлигини баҳолаш ва тиклаш имкониятларини тадқиқ этиш маркази (Эдинбург, Напьер ва Шотландия Университетлари ҳамкорлигида ташкил этилган) ва бошқаларни киргизиш мумкин [8]. Улар инновацион кластерлар таркибида марказий ўринни эгаллайди.

Италия иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес асосий ўрин тутди. Мамлакатда кластерлаштириш сиёсати тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган. Бутун мамлакат бўйлаб кичик ва ўрта корхоналар саноат округларига бирлашадилар. Ҳозирда 200 дан ортиқ шундай округлар самарали фаолият юритиб келмоқда. Кичик корхоналар округларга бирлашиб, йирик корхоналарга хос баъзи устунликларга эга бўладилар. Айни пайтда кичик корхоналарга хос маҳсулотни дифференциациялаш, маркетинг муҳитида мақсадли бозор сегменти талабига мос эгилувчанлик, инновацион фаоллик каби хусусиятларни ҳам сақлаб қоладилар. Шу сабабли Италияда деярли барча фирмалар округларга бирлашган. Италияда фирма даставвал ўз саноат тармоғида муваффақиятга эришади, молиявий борқарорлик, фойда ва ўз харидорига эга бўлиб, бошқа тармоқлардаги ҳамкорлар билан қизиқа бошлайди. Кластерларга бундай ёндошув инновацион ривожланиш учун имкониятлар эшигини очди. Кластерлар фаолиятида давлатнинг роли инвесторларни жалб қилиш ва консалтингдан иборат.

Финляндияда кластер сиёсати 1990 йилларда бошланди. Дастлаб кластерларнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва рақобатдаги имкониятлари ўрганила бошланди. Ҳукумат топшириғи билан ишлаб чиқилган Миллий саноат стратегиясининг асосий вазифаси саноатнинг асосий тармоқларида кластерлар ташкил этишни координациялаш ва назорат қилиш ҳисобланган [9]. Шундай қилиб, кластер ислохотларининг илк кунларидан давлат жараёни бошқаришни тўлиқ ўз қўлига олди. Мавжуд табиий ресурслардан келиб чиқиб, ўрмон (ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз), энергетика (экологик тоза технологиялар, энергия самарадорлиги), озиқ-овқат, рангли металлургия саноати, қурилиш ва соғлиқни сақлаш тармоқлари энг истиқболли тармоқларга айланди [10]. Ҳар бир тармоқ учун “кластер харитаси” ишлаб чиқилди. Ҳар бир кластер таркибида тадқиқот марказлари ташкил этилиб, улардан мақсад тармоқда фойдаланилувчи технологияларни мукаммаллаштириш, ишчи кучи малакасини ошириш, кластер интеллектуал капиталини ўстириш ҳисобланган. Финляндиядаги йирик кластерларга «Форест кластер» бошқарув тадқиқот компанияси, “Клиин” бошқарув тадқиқот компанияси (энергетика ва атроф-муҳит), “Энергон” қайта тикланувчи энергия тадқиқот маркази кабиларни мисол келтириш мумкин. Кластерларнинг инновацион салоҳиятини ўстириш, иштирокчиларнинг инновацион ва коммуникацион фаоллигини оширишга мамлакатда ташкил этилган инновацион ривожлантириш фондлари катта ҳисса қўшган [11]. Улар орасида «Ситра»

миллий мустақил инновация жамоат фонди (1967 йилда Финляндия парламенти қошида ташкил этилган), "ВБИ" Техник тадқиқотлар маркази, "Текес" технологиялар ва инновацияларни молиялаштириш агентлиги (1983 йилда Финляндия Савдо ва саноат вазирлиги қошида ташкил этилган) кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. 2007 йилда мамлакатда минтақавий инновацион жараёнларни бошқарувчи OSKE (The Centre Expertise Program) дастури ишга туширилди [12]. Дастур мақсадларига эришиш учун бошқарув-тадқиқот марказлари (Strategic Centres for Science Technology and Innovations – «SHOKs») ташкил этилди. Марказлар илмий ишланмаларни тўплаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан шуғулланди. Марказлар фаолияти натижасида Финляндия инновацион ғояларни самарали тижоратлаштириш бўйича олдинги ўринларга чиқиб олди. Инновацион лойиҳалар давлат томонидан экспертизадан ўтказилади. Танлаб олинган лойиҳалар 1-3 йил давомида давлат томонидан қўллаб қувватланади, назорат қилиб борилади. Давлат кластерларни тажриба алмашиши мақсадида бирлашишини таъминлайди. Масалан, мамлакатдаги барча технопарклар (2000 га яқин) Финляндия илмий парклари Ассоциацияси "ТЕКЕЛ"га аъзо ҳисобланади. Ҳозирда Финляндияда кластерлар ривожланишнинг янги босқичига кўтарилган бўлиб, уларнинг ўзаро бирлашиши кузатилмоқда. Шундай қилиб, Финляндияда кластерлар стратегияси мазмунан давлат томонидан ишлаб чиқилган умумий ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб, бунда асосий эътибор инновацияларни изчил ривожлантириш, технологиялар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экологик тоза бўлишига қаратилади [13].

Япония ҳам кластерлаштириш сиёсатини қўллаб келмоқда. Бу жараёнда давлат ўзига хос ўринга эга. 2001 йилда Япония таълим, фан ва технология вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган инновацион кластерлар ташкил этиш дастури асосида 19 та кластер ташкил этилди. Улар жумласига Цукуба шаҳрида жойлашган япон наукагради ва Китакусю шаҳрида жойлашган интеллектуал кластер (автомобилсозлик, робототехника ва бошқалар) киради [14]. Ҳорижий давлатлардаги инновацион кластерлардан намуна сифатида фойдаланган Япония ҳукумати тавсия этган тузилма университетлар, илмий-тадқиқот лабораториялари, йирик корхона (асосий ўринда) ҳамда бир нечта ўрта ва йирик корхоналарни ўз ичига олади [15]. Давлат сиёсатидан келиб чиқиб, кластерларда асосий эътибор фаннинг ривожланишига қаратилади. Аммо 2010 йилда ишлаб чиқилган Япония ривожланишининг инновацион стратегиясида кичик ва ўрта бизнес эътибордан четда қолган. Япониянинг бугунги кундаги кластер сиёсати кутилганидек эмас. Инновацион тузилмалар ва кластерларни ташкил этиш учун давлат бюджетидан катта маблағ ажратилган бўлсада, кластерларни бошқаришнинг самарали тизими шакллантирилмаган [16; 17]. Уринишлар самара бермаганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- 1) АҚШда асосий эътибор илм-фанни ривожлантиришга қаратилади, молиявий кўмак илмий-тадқиқот грантлари бериш ва инфратузилмани барпо этишга сарфланади. Япония ҳукумати эса бу заруриятни инкор этади;
- 2) Ҳукумат кадрлар тайёрлаш ва интеллектуал капитал билан ишлаш масаласига етарлича эътибор қаратмайди;
- 3) Япон менежменти ва ходимлар мобиллиги пастлиги;
- 4) Инновацион кластерларнинг сунъий тарзда ташкил этилиши;

5) Фуқаролар менталитети ва мамлакатдаги бошқарув анъаналарини ҳисобга олмаган ҳолда, хорижий кластер моделларидан кўр-кўрона фойдаланиш [18].

Хулоса

Шундай қилиб, кластер сиёсати бўйича хориж тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бу сиёсат баъзи мамлакатларда муваффақият билан амалга оширилган бўлса, айримларида салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Канадада асосий эътибор нафақат инновацион фаолиятни қўллаб қувватлашга, балки унинг амалга оширилишини назорат қилишга ҳам қаратилади. Германия кластерлар самарали фаолиятини ташкил этишга ва шу йўл билан депрессив минтақалар ривожлантиришга эриша олди. Бу мамлакат тажрибасини ўрганиш жараёнида кластер сиёсатини олиб бориш ва ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган федерал мақсадли дастурлар яхши самара бераётганини кўриш мумкин. Франция тажрибасининг ижобий жиҳати трансчегаравий кластерлар фаолияти муваффақиятли ташкил этилганлигидир. Кластерларни шакллантиришда университетлар ва бизнеснинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш Буюк Британияга хос хусусиятдир. Италияда кичик корхоналар турли преференциялар олиш мақсадида ўзаро бирлашишлари зарур. Финляндия сиёсатининг ўзига хослиги шундаки, кластер сиёсати иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи учун алоҳида ишлаб чиқилади, "кластер хариталари" тузилади.

Маълумки, Ўзбекистонда кластер сиёсатини қўллаш бўйича илк қадамлар қўйилмоқда. Шундан келиб чиқиб, хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни тавсия этамиз:

- 1) Иқтисодиётнинг турли соҳалари аро алоқаларни кучайтириш;
- 2) Технологик тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш;
- 3) Билимларни узатиш тизимини ривожлантириш;
- 4) Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш тизимини тўғри ташкил этиш;
- 5) Илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган илмий грантларни кўпайтириш;
- 6) Кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида хориж тажрибасидан кўр-кўрона фойдаланмаслик, ҳудуд ва аҳоли билан боғлиқ хусусиятларни эътиборга олиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Портер Майкл. Конкуренция: Пер. с англ. / Майкл Портер. – М. и др.: Вильямс, 2003. 605 с.
2. Ферова И.С., Коженова Т.В., Шорохов Р.Г. Промышленные кластеры и их рол в развитии промышленной политики региона. –М.: ИНФРА-М; Красноярск; Сиб. фидер. унив-т, 2018. 247 с.
3. Пятинкин С.Ф., Быкова Т.П. Развитие кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. – Минск: Тесей, 2018.
4. Миндлин Ю.Б. Зарубежный опыт функционирования кластеров в экономически развитых странах (Дания, Германия, Австрия, Финляндия, Италия, Франция) // Экономические науки, 2009. – № 12.
5. Кластер ҳамкорлиги бўйича Европа платформаси расмий веб сайти маълумоти. URL: <https://www.clustercollaboration.eu>.

6. Белова Л.Г. Зарубежный опыт, международное сотрудничество и проблемы участия в ВТО. Gosbook.ru. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.gosbook.ru/node/59979>.
7. Дворцов В.И. Пространственное развитие территории на основе кластерных технологий // Менеджмент в России и за рубежом, 2018. – № 2.
8. Абрамов Р.А. Механизмы реализации инновационного развития регионов: российский и зарубежный опыт // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований, 2015. – № 9-2.
9. Борисова Е.В. Кластерный подход к инновационному развитию регионов: зарубежный опыт и российские реалии // Экономика и современный менеджмент: теория и практика, 2014. – № 37.
10. Вейс Ю.В., Кудрявцева Е.А. Кластерная политика как механизм активизации инвестиционной деятельности: зарубежный и российский опыт // Вестник Самарского государственного технического университета. Серия: Экономические науки, 2019. – № 4(14).
11. Закиров И.В. Взаимодействие внешнеэкономических инновационных кластеров и вузов в зарубежных странах // Торговля, предпринимательство и право, 2017. – № 2.
12. Кузнецова Н.В., Воробьева Н.А. Кластеризация экономики: зарубежный опыт развития и перспективы России // Экономика науки, 2016. – № 2.
13. Савинова О.В., Колесниченко Е.А. Роль трансграничного сотрудничества в формировании европейских инновационных кластеров // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки, 2014. – № 2(130).
14. Обзор инновационных кластеров в иностранных государствах. Минэкономразвития РФ. [Электронный ресурс]. URL: http://www.economy.gov.ru/minec/about/structure/depsvod/doc20110531_04.
15. Оборина Е.Д. Зарубежный подход к оценке эффективности кластерной политики // Региональная экономика и управление: электронный научный журнал, 2016 – № 4(48).
16. Мельников А.Е. Кластерная политика как эффективный инструмент развития территорий: исследование зарубежного опыта // Вопросы региональной экономики, 2017. – № 3(32).
17. Степанов Н.Н. Мировой опыт создания конкурентоспособных кластеров // Национальные интересы: приоритеты и безопасность, 2012. – № 47(188).
18. Убоженко Е.В. Анализ мирового опыта создания кластеров и повышение конкурентоспособности территорий и производственных комплексов // Интерэкспо Гео-Сибирь, 2017. – № 2.